
Қидирувдаги автомашина хатланди!

Жиноят ишлари бўйча Бешариқ туман судининг 28.02.2023 йилдаги қарздор Э.Рахимовдан давлат фойдасига 3.000.000 сўм маъмурий жарима ундириш белгиланган. Бундан ташқари, қарздор Э.Рахимовдан 20 та ижро ҳужжатлари бўйича 18.1 млн сўм давлат фойдасига давлат божи, маъмурий жарима, банк фойдасига 6.6 млн сум кредит қарзи, ва ундирувчи З.Уринова фойдасига 6.8 млн алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бюронинг Бешариқ туман бўлимига келиб тушган ва мажбурий ижрога қабул қилинган. Қарздор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида, унга тегишли 40 В 716 СВ двлат белгилли, Ласетти-2 русумли автомашинаси борлиги аниқланиб, 26.02.2024 йилда қидирув эълон қилинган. Бешариқ туман ИИБ ЙХХБ билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда, қарздорга тегишли автомашина топилиб, жарима майдонига олиб кирилди. Қарздор Э.Рахимов 6.8 млн сўм алимент пулларини тўламаганлиги сабабли унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар ЖИБ Бешариқ туман судига тақдим этилди. ЖИБ Бешариқ туман судида ўтказилган суд жараёнида қарздорлик тўлиқ бартараф этилганлиги сабабли маъмурий иш Ўз.Рес,МЖТКнинг 271-моддасига асосан тугатилди. Ҳозирда автомашинани баҳолаш ва реализация қилиш чоралари кўрилмоқда.

Бўлим бошлиғи адлия маслаҳатчиси С.С.Қўшмоқов

2024-05-20 17:07:32